



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН ОШПАЗЛАР УЮШМАСИ

**“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳалларда истиқомат қилувчи 18-30 ёшдаги ёшлар ўртасида “Ошпазлик” танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомларига ўзгартириш киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Беш ташаббус олимпиадаси” 2023 йил мавсумини юкори савияда ташкил этиш ва ўтказишга бағишиланган 22-сонли йигилиш баёни ҳамда 2023 йил 1 июнданги 103-сонли баёни ижросини таъминлаш максадида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси (биргаликда Томонлар деб юритилади) қарор қиласди:

1. Томонлар ўртасида имзоланган “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи 18-30 ёшдаги ёшлар ўртасида “Ошпазлик” танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомларнинг 6.6-бандлари қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“6.6. Туман (шаҳар), ҳудудий ва республика босқичларида голиблар қуидаги тақдирланади:

**Туман (шаҳар) босқичи:**

**I ўрин –** танловнинг ҳудудий босқичига йўлланма;

**II ўрин –** 2 млн. сўмгача;

**III ўрин –** 1,5 млн. сўмгача;

**охирги ўрин –** 1 млн. сўмгача тикувчилик касби бўйича асбоб-ускуналар;

**Ҳудудий босқич:**

**I ўрин –** танловнинг республика босқичига йўлланма;

**II ўрин –** 3,5 млн. сўмгача;

**III ўрин –** 3 млн. сўмгача;

**қолган барча иштирокчилар –** 2,5 млн. сўмгача тикувчилик касби бўйича асбоб-ускуналар;

**Республика босқичи:**

**I ўрин –** 100 млн. сўм;

**II ўрин –** 75 млн. сўм;

**III ўрин –** 50 млн. сўм;

**қолган барча иштирокчилар –** 15 млн. сўм пул маблаги билан тақдирланади”.

Бунда, республика босқичидаги иштирокчи ёшларни рагбатлантириш түловларидан даромад солиги ушлаб қолиниб, аризачининг банк пластик картасига үтказиб берилади.

2. Мазкур қарор имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари Ф. Аблаяров зиммасига юклатилсин.



**Ёшлар ишлари агентлиги  
директори**

A. Саъдуллаев

Тошкент ш.,  
2023 йил “9”-август,  
01-07-10-сон



**Ўзбекистон Ошпазлар  
уюшмаси раиси**

A. Умаров

Тошкент ш.,  
2023 йил “9”-август,  
05.5-сон